

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Алишер Навоий номидаги
Тошент давлат ўзбек тили ва
адабиёти университети ректори
Ш.Сирожиддинов



_____ 2020 йил

**10.00.06 –Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик ихтисослиги
бўйича таянч докторантурага
кириш имтиҳони дастури**

ТОШКЕНТ – 2020

Ушбу дастур Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Кенгашида кўриб чиқилди ва тасдиқланди (2020 йил 20 сентябрдаги 3-сонли баённома).

Тузувчилар: **ф.ф.д., проф. Ш. Сирожиддинов**
 PhD Б.Холиков

КИРИШ

Мамлакатимиз равнақи, таълим соҳаси тараққиёти ва чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорини амалга оширишда бошқа фанлар билан бир қаторда қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашуносликнинг ҳам ўз мақсади ва вазифалари бор. Зотан, адабиёт, тил ва таржима азалдан халқларнинг ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий-сиёсий интеграцияси учун асосий восита вазифасини ўтаб келган. Шундай экан, юртимиз иқтисодининг гуллаб-яшнашида юқорида санаб ўтилган соҳаларнинг ўзига хос ўрни бор.

Юқори малакали илмий-педагогик кадрларни тайёрлашда таянч докторантлар учун дастур тузиш ҳозирги кундаги таълим йўналишининг долзарб масалаларидан биридир.

Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик бўйича назарий билимга эга бўлиш ва мустақил фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилиш учун дастурларнинг аҳамияти каттадир.

Мазкур дастур қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик ихтисослиги бўйича таянч докторантурага кирувчилар учун мўлжалланган, шунингдек, ҳозирги замон ўзбек ва жаҳон адабиёти ҳамда инглиз ва она тиллари қиёсий типологиясининг фундаментал муаммоларига ва типологик тадқиқотларнинг замонавий йўналишларига қаратилган. Унда қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик бўйича фаннинг асосий ривожланиш босқичлари ва факторлари, типологик тадқиқотларнинг принциплари ва категориялаш тамойиллари, адабий жараёнлар, герман, славян ва туркий тилларининг юзага келиш эволюцияси ва қиёсий таҳлили, тилларнинг типлари ва қариндошлик даражасига кўра турлари каби масалаларга танқидий ёндашишни кўрсатиш ва улар ҳақида илмий тушунчалар ҳосил қилиш асосий мақсадларидан биридир, замонавий йўналишлар, компаративистик ва лингвистик мактаблар, компаративистик ва лингвистик концепциялар, замонавий таржима назарияси ва амалиётида умумэтироф этилган тенденциялар, таржима турлари ва усуллари, лексик-семантик ва грамматик мувофиқлик категориялари, назарий таълимотлар, илмий изланишлар, долзарб муаммоларга бағишланган масалалар ёритилган.

ФАННИ ЎЗЛАШТИРИШГА ҚЎЙИЛГАН ТАЛАБЛАР

ТАЯНЧ ДОКТОРАНТЛАР:

- қиёсий тарихий метод ва унинг асосчилари, асосий тушунчалари; макро ва микрокомпаративистика; Шарқ ва Ғарб адабий алоқалари, таржима танқиди, бадиий матннинг қиёсий таҳлили мезонлари кабилар ҳақида имкон қадар назарий билимга эга бўлиши;

- қиёсий тадқиқ методологияси ва унинг асосий тушунчаларини изоҳлай олиши;
- қиёсий адабиётшуносликка оид асосий адабиётларни ва уларнинг қисқача мазмунини билиши;
- қиёслаш орқали адабий ҳодисаларнинг умумий ва хос томонларини аниқлаш, поэтика, адабий алоқалар ва адабий таъсир масалаларини таҳлил қила олиши;
- Тил тарихи ва назарияси тўғрисида кенг билимни эгаллай олиш, дунё тилларининг умумий ва хусусий қонуниятлари ҳақида тасаввурга эга бўлиши, тилшунослик тарихи, тилшунослик мактаблари, замонавий тилшунослик масалаларини ва тилшунослик методларини билиши;
- Чет тилини ўрганиш амалиётида назарий билимларни қўллаш, тилшунослик бўйича илмий изланишларга касбий нуқтаи назардан қараш, дунё тилшунослигида рўй бераётган жараёнларни ўзаро боғлиқлик нуқтаи назардан таҳлил қилиш, тилларнинг умумий ва хусусий белгилари ҳақидаги тушунчаларни амалиётда қўллаш кўникмасига эга бўлиши;
- тилларни қиёслаш соҳасидаги назарий билимларини кўрсатиш ва чет тиллар тузилмаларидаги ўхшашлик ва фарқларини ўзлаштириши билан бирга тўғри фойдаланиш ва малакасига эга бўлиши;
- қиёсий тилшунослик фундаментал масалалари бўйича назарий билим асосларини билиши;
- турли концепцияларни танқидий баҳолаш ва уларни қиёсланаётган тилларнинг материали асосида таҳлил қилиши;
- қиёсий типологиянинг асосий ривожланиш босқичлари ва факторлари; типологик тадқиқотлар тарихи ва методлари; типологик тадқиқотларнинг принципларини билиши;
- қиёсий тилшунослик фанининг бошқа фанлар билан узвий боғлиқлиги ва уларнинг қиёсий типологияга таъсир қилиш йўллари аниқлаш;
- қиёсий тилшунослик фанининг методологиясини қўллаш олиш кўникмаларини ҳосил қилиш;
- қиёсий тилшунослик фани бўйича янги йўналишларнинг мавжудлиги ва уларнинг талқинини билиши;
- таржима методларини билиши ва амалиётда қўллаш олиши;
- таржима, таржима турлари, таржима танқиди ҳақида умумий тасаввурга, аслият ва таржимани қиёслашга оид муайян билимга эга бўлиши;
- Ўзбекистонда ва хорижий давлатларда нашр қилинган илмий адабиётлар билан ишлаш ва лингвистик адабиётлардан самарали фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлиши лозим.

ДАСТУРНИНГ МАЗМУНИ

Филологик компаративистика: мазмуни ва моҳияти. Филологик компаративистика ҳақида тушунча. Адабий компаративистикага хос

хусусиятлар. Қиёсий адабиётшунослик фан сифатида. Н.И.Конрад таснифи. В.М.Жирмунский тадқиқотлари.

Қиёсий таҳлилнинг илмий назарий асослари. Қиёсий таҳлил объектлари. Қиёсий таҳлилнинг вазифалари. Қиёслаш жараёнидаги энг муҳим босқичлар. Қиёсланиши мумкин бўлган типик вазиятлар. Қиёсий-тарихий метод ривожда Франс Бопп, Расмус Раск, Якоб Гриммларнинг ўрни.

Қиёсий таҳлил методологияси. Илмий тадқиқот методлари ва қиёсий таҳлил. Қиёсий-тарихий ва чоғиштириш методи хусусида. Қиёслаш натижаларини баҳолашнинг мезонлари. Қиёсий таҳлил натижаларининг холислигини таъминлаш шартлари.

Таржима – қиёсий адабиётшунослик объекти сифатида. Таржима назарияси фан сифатида. Таржимашуносликка оид муҳим тушунчалар. Таржима - адабиётлараро коммуникация воситаси. Таржима - компаративистика объекти.

Асар поэтикаси – компаративистика объекти. Поэтика ҳақида тушунча. Поэтиканинг таснифи. Бадиийлик ва бадиий маҳорат. Поэтикага оид замонавий тадқиқотлар.

Адабиётлараро жараёнларнинг шакллари. Миллий, ҳудудий ва жаҳон адабиёти. Адабиётлараро алоқалар. Типология ва типологик муштараклик. Адабиётшуносликда мультикультурализм.

Ўзбек адабиётшунослигида қиёсий тадқиқотлар. Қиёсий тадқиқотлар ва уларнинг истиқболи. Ўзбек адабиёти жаҳон адабиёти контекстида. Қиёсий тадқиқотлар ва уларнинг моҳияти.

Қиёсий-тарихий тилшунослик. Тилшуносликда германистика ва славистика. Санскрит ва Ф. Бопп қиёсий грамматикаси. В. Гумбольдт фалсафаси. А. Шлейхер таълимоти. Г. Штейнталь таълимотида тил ва халқ психологияси. Бодуэн де Куртенэ ва Ф. Де Соссюр таълимотида тил системаси.

Тилшунослик методлари. Билиш усуллари ва тилшунослик методлари. Тилни ўрганиш методологияси ва методлари. Тавсифий метод. Қиёсий-тарихий метод. Структур метод ва унинг йўналишлари. Функционал лингвистика. Дескриптив лингвистиканинг таҳлил методлари. Дистрибутив таҳлил методи. Трансформация методи. Тасвирий методнинг асосий усуллари. Дистрибутив метод. Парадигма усуллари ва парадигматик методика. Оппозиция усули. Семантик майдон усули. Позцион усуллар. Ўзгартиришлар усули ва трансформацион методика. Статистик усуллар.

Қиёсий типология - тилшуносликнинг тармоғи сифатида. Асосий муаммолар ва йўналишлар. Қиёсий тилшуносликнинг пайдо бўлиш сабаблари. Қиёсий методнинг универсаллик хусусияти. Лингвистик ва нолингвистик типология. Қиёсий типологияда категориялаш муаммолари. Типологик категориялар. Қиёсий типологиянинг умумий таснифи. Турли тил системаларини қиёсий ўрганишнинг замонавий методлари. Тилшуносликда янги йўналишларнинг мавжудлиги ва уларнинг қиёсий типологияда қўлланилиши.

Қиёсий тилшуносликнинг долзарб масалалари тўғрисида умумий маълумотлар. Қиёсий типологиянинг шаклланиши ва ривожланишининг асосий босқичлари ва факторлари. Тилларнинг генеологик таснифи, тиллар қариндошлиги ҳақида маълумот. Қиёсий типологиянинг асосий параметрлари. Изоморфизм ва алломорфизм хусусиятлари. Қиёслашда синхрон ва диахрон ёндашиш. Тиллараро ва бир тил ичидаги қиёслаш хусусиятлари. Қиёсий тилшуносликнинг адабиёт билан муносабати.

Инсон фикрини тил воситаси орқали ифодалашнинг ўзига хос қонунлари. Барча тил тизимлари учун муштарак бўлган белгиларни ифодалашдаги мувофиқлик ва номувофиқлик. Тилшуносликда «шаклдан маънога» ва «маънодан шаклга» тамойилларининг қўлланилиши. Лингвистик тушунчаларни тилнинг турли ярусларининг ўлчов бирликлари ва конституентлари орқали ифодаланиши. Уларнинг универсаллик хусусияти.

Қиёсий типологиянинг умумий таснифи: объектига кўра, тил тармоқларига кўра, тилнинг икки планига кўра. Турли тил системаларини қиёсий ўрганишнинг замонавий методлари.

Қиёсий типологияда категориялаш муаммолари. Грамматик категория ҳақида таълимот. Грамматик ва мантикий категориялар ўртасидаги мутаносиблик. Тушунча категориялар. Функционал-семантик категориялар. Грамматик-лексик майдон.

Типологик категориялар. Типологик маъно ва типологик форма. Типологик категориянинг тиллараро, яруслараро ва сўз туркумлариаро хусусиятлари. Типологик категорияларнинг ифодаланишдаги мазмун ва ифода планлари бирликларининг тиллараро алоқаси.

Ифода планидаги тил тизими ўлчов бирликларининг тиллараро адекватлиги ва адекват эмаслиги, уларнинг яруслараро синонимлиги, уларнинг таскономик масалалари.

Тилнинг бошқа сатҳларини тадқиқ этишда категориялаш муаммолари. Тилнинг лексик сатҳини тадқиқ этишда категориялаш муаммолари. Лексикани тизим сифатида қаралиши ва типологик ёндашиш имкониятлари.

Турли қардош ва қардош бўлмаган тиллардаги айрим хусусиятларни фонологик, грамматик, семантик, этимологик, лексик ва стилистик нуқтаи назардан солиштириш. Интерференция муаммолари. Қиёсий типологиянинг лексикография, стилистика, таржима назарияси ва тил ўқитиш методикаси каби фанлар билан узвий боғлиқлиги. Тилшуносликда янги йўналишларнинг мавжудлиги ва уларнинг қиёсий типологияда қўлланилиши. Тил ва маданият. Қиёсланаётган тилларнинг миллий-маданий хусусиятларининг барча тил сатҳларида намоён бўлиши. Когнитив тилшунослик ҳақида таълимот.

Типологик тадқиқотларнинг тарихи. Қиёсий типологиянинг асосий ривожланиш босқичлари ва факторлари. Типологик тадқиқотларнинг ҳозирги йўналишлари ҳақида. Турли тил системаларини қиёсий ўрганишнинг замонавий методлари. Қиёсий типологиянинг умумий таснифи, унинг асосий параметрлари.

Жаҳон маданиятининг равақ топишида таржиманинг роли. Таржима жараёнининг босқичлари. Таржима муқобиллиги. Таржимада лексик муаммолар. Таржима тарихининг назарий масалалари. Жаҳон таржимачилигида тажриба мактаблари. Таржиманинг грамматик масалалари. Таржиманинг стилистик масалалари. Таржимада лингвистик ва адабиётшунослик нуқтаи назаридан ёндошувнинг аҳамияти. Таржима ва лексикография. Таржимада лексик ва грамматик трансформацияларнинг қўлланилиши. Семантик ва стилистик эквивалентлик. Адекват таржима тамойиллари.

ТАВСИЯ ЭТИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Асосий адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи, 2017 йил 4 август.
2. Аракин В.Д. Сравнительная типология английского и русского языков. - М.: Просвещение, 1990.
3. Абдуазизов А.А. Элементы общей и сравнительно-типологической фонологии. - Т.: Фан, 1981.
4. Буранов Ж. Сравнительная типология английского и тюркских языков. - М.: Высшая школа, 1983.
5. Бўронов Ж. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси. - Т.: Ўқитувчи, 1973.
6. Кодухов В.И. Общее языкознание. - М., 2009.
7. Расулова М.И. Основы лексической категоризации в лингвистике. - Т.: Фан, 2005.
8. Саломов Ғ. Таржима назарияси асослари. - Тошкент. 1983.
9. Юсупов У.К. Проблемы сопоставительной лингвистики. - Т.: Фан, 2007.
10. Xalliyeva G. Qiyosiy adabiyotshunoslik. – Т., Akadernashr, 2020.
11. Қосимов А., Ҳамроқулов А., Хўжаев С. Қиёсий адабиётшуносликка кириш. – Ф., Фарғон адават университети, 2019

Қўшимча адабиётлар

1. Абдуллаев Ю.Н., Бушуй А.М. Иностранные языки в современном мире: эволюция методики обучения. - Т.: Фан, 2000.
2. Абдуллаев Ю.Н., Бушуй А.М. Язык и общество. - Т.: Фан, 2002.
3. Борисова И.Ф., Имяминова Ш.С. Таржима назарияси ва амалиёти. - Тошкент. 2005.
4. Болдырев Н.Н. Когнитивная семантика. Курс лекций по английской филологии. - Тамбов, 2001.

5. Бондарко А.В. Семантические категории в аспекте сопоставительных исследований // Сопоставительная лингвистика и обучение неродному языку. - М.: Наука, 1987.
6. Вежбицка А. Семантические универсалии и описание языков. - М., 1999.
7. Гак В.Г. Сопоставительная прагматика // Филологические науки. – М., 1992. - №3.
8. Грамматика общая и рациональная Пор-Рояля. - М.: Прогресс, 1990.
9. Журиная М.И. Лингвистическая типология. Общее языкознание. Внутренняя структура языка. - М.: Наука, 1972.
10. Гулыга Е.В., Шендельс Е.И. Грамматико-лексические поля в современном немецком языке. - М.: Просвещение, 1969.
11. Когнитивные и коммуникативные аспекты английской лексики. - М., 1990.
12. Колшанский Г.В. Проблема универсалий языка // Общее языкознание. Внутренняя структура языка. - М.: Наука, 1972.
13. Маслова В.А. Лингвокультурология. 2-е издание. - М.: 2004.
14. Мусаев К. Таржима назарияси асослари. Тошкент. 2005.
15. Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 23. Когнитивные аспекты языка. - М.: Прогресс, 1980.
16. Маслова В.А. Когнитивная лингвистика. - Минск, 2004.
17. Принципы типологического анализа языков различного строя. – М.: Наука, 1972.
18. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. Жиззах. «Санзор» - 2006.
19. Селиверстова О.Н. Контрастивная синтаксическая семантика. Опыт описания. - М.: Наука, 1990.
20. Семантика и категоризация. - М.:Наука, 1991.
21. Саломов Ф. Таржима назариясига кириш. - Тошкент. 1978.
22. Саломов Ф., Отажонов Н. Таржима маҳорати. - Тошкент. 1989.
23. Резвцова Н.Д., Афанасьева О.В., Самохина Т.С. Практикум по сравнительной типологии английского и русского языков. - М.: Просвещение, 1989.
24. Канцельсон С.Д. Типология языка и речевое мышление. - Л.: Наука, 1972.
25. Ярцева В.Н. Контрастивная лингвистика. - М.: Наука, 1981.
26. Климов Г.А. Основы лингвистической компаративистики. - М.: Наука, 1990.
27. Городецкий Б.Ю. К проблеме семантической типологии. - М., 1989.
28. Новое в зарубежной лингвистике. Контрастивная лингвистика. Вып. 25. - М.: Прогресс, 1989.
29. Новое в лингвистике. Типологическое изучение языков. Вып. III. - М.: Иностранная литература. 1963.
30. Фафуров И. Таржимонлик мутахассислигига кириш. - Тошкент. 2008.

31. Fillmore Charles J. Remarks on Contrastive Pragmatics // In - J.Fisiak (ed.), Contrastive Linguistics- Prospects and Problems. - Padstow, 1984.
32. Sulaymonova F. Sharq va G'arb. – T., “O‘zbekiston”, 1997.
33. Komilov N. Tafakkur karvonlari. – T., 1999.
34. Реизов Б.Г. Сравнительное изучение литературы. Вопросы методологии литературоведения. – М.-Л.: Наука, 1966. -С.170-217
35. Конрад Н.И. Запад и Восток.- М.: Наука.1972.
36. Пруцков Н.И. Историко-сравнительный анализ произведений художественной литературы. –Л.:Наука,1974.
37. Академические школы в русском литературоведении / Отв.ред. П.А.Николаев. – М: Наука.1975.
38. Неупокоева И.История всемирной литературы. Проблемы системного и сравнительного анализа. - М.: Наука, 1976.
39. Дима.А. Принципы сравнительного литературоведения. -М.1977.
40. Дюришин Д. Теория сравнительного изучения литературы.- М.1979.
41. Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение. Изб.пр. – М.: Наука. 1979.
42. Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. - М.: Искусство, 1979.
43. Алексеев М.П. Сравнительное литературоведение М.: Наука, 1983.
44. Ильин И.П. современные концепции компаративистики и сравнительного изучения литератур. - М.1987
45. Веселовский А.Н. Историческая поэтика. – М.1989

Интернет сайтлари:

1. www.susov.ru
2. www.ziyo.net
3. www.google.uz
4. www.tdpu.uz
5. www.pedagog.uz
6. www.edu.uz
7. www.tdpu-INTRANET.ped
8. www.nutq.intal.uz

Баҳолаш мезонлари

Кириш синови оғзаки равишда ўтказилиши белгиланган бўлиб, 100 баллик мезон асосида баҳоланади.

Ҳар қайси саволга жавоби куйидагича баҳоланади:

Ҳар бир савол учун балл	Жавобга қўйиладиган талаблар
86-100	<p>Қўйилган саволга тўлиқ жавоб берган.</p> <p>Назарий жиҳатларини ёритишда хатолик ва чалкашликка йўл қўйилмаган.</p> <p>Мустақил равишда мушоҳада юритиб баён этилган.</p> <p>Амалий мисоллар билан асослаб баён этилган.</p> <p>Хулосани тўғри шакллантирган.</p> <p>Фикрлар эркин баён этилган.</p>
71-85	<p>Саволнинг моҳиятини тушунган.</p> <p>Жавобни ёритиб бера олган.</p> <p>Амалий мисоллар келтирилган.</p> <p>Тасаввурга эга.</p> <p>Қисқача хулоса берган.</p> <p>Фикрларни содда баён этган.</p>
55-70	<p>Савол моҳиятини тушунган.</p> <p>Жавоб ёритилган, қисқа шаклда.</p> <p>Мисоллар билан асосланмаган.</p> <p>Хулоса қилинган.</p>
0-54	<p>Саволнинг айрим элементларигина ёритилган, ёки умуман ёритилмаган.</p> <p>Савол бўйича аниқ тасаввурга эга эмас.</p>

